

АНБАР ОТИННИНГ АСАРЛАРИДА ЖАМИЯТДАГИ ХОТИН- ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ТЕНГСИЗЛИГИ МАСАЛАСИ

Менгдобилова Мавлуда Қаршиевна

*Чирчиқ давлат педагогика университети академик лицейи тарих фани
ўқитувчиси*

Аннотация: *Ушбу мақолада XIX асрнинг иккинчи ярми- XX аср бошларида Туркистонда жамиятда ва ижтимоий ҳаётда хотин қизларнинг ҳуқуқсизлиги, Қўқон хонлиги адабий муҳитининг ўзига хос хусусияти, унинг вакиллари орасида аёллар орасидан мураббийлар, шоиралар, тарихчи олималар етишиб чиқиши, хусусан, Анбар Отин унинг иқтидорли вакиласи ҳақида сўз юритилган. Анбар Отин XIX асрнинг иккинчи ярми -XX бошларида Қўқонда яшаб, ижод этган демократик шоирадир.*

Калит сўзлар: *мактабхона, мактабдорлик, муштипар, зулм, таҳқир, эътироф, мутаассиблик*

THE ISSUE OF SOCIAL INEQUALITY OF WOMEN AND GIRLS IN SOCIETY IN THE WORKS OF ANBAR OTIN

Annotation: *This article discusses the lack of rights of women in society and social life in Turkestan in the second half of the 19th century and the beginning of the 20th century, the specific features of the literary environment of the Kokand Khanate, the emergence of female mentors, poets, and historical scholars among its representatives, and in particular, Anbar Otin, its talented representative. Anbar Otin is a democratic poet who lived and worked in Kokand in the second half of the 19th century and the beginning of the 20th century.*

Keywords: *school, school, class, oppression, oppression, recognition, fanaticism*

Аштархонийлар даврида жамият ҳаётида диний мутаассиблик кенг ёйилди. Барчадан диний ақидаларга сўзсиз итоат этиш талаб этилди. Бу омиллар жамият ва ижтимоий ҳаётда хотин -қизларнинг ҳуқуқсизлигига ҳам олиб келди. Асрлар давомида хотин -қизларнинг на жамиятда, на оилада ҳуқуқлари эътироф этилмади. Лекин шу даврда ҳам хотин қизлар ҳаётда ўз ўрнини топишга ҳаракат қилдилар. Бу борада Қўқон хонлиги адабий муҳитининг ўзига хос хусусияти – унинг вакиллари орасида аёллар орасидан мураббийлар, шоиралар, тарихчи олималар етишиб чиқди. Нодирабегим, Увайсий, Анбар отин, Дилшоди Барно каби шоираларни келтириш мумкин. Шулардан бири, XIX асрда Қўқонда ижод қилган шоира, тарихчи, мактабхона мактабдори бўлиб фаолият юритган Дилшоди Барно эди. У ўзининг мактабдорлик фаолияти ҳақида шундай деб ёзган эди: “Менинг суҳбатдошларим ва дугоналарим ақли қизлар ва истедодли

шоиралар эди. 51 йил давомида мен мактабдорлик қилдим ва йилига ўртача 20 нафардан 30 нафаргача ўқувчиларим бўлиб, 890 нафар қизнинг саводини чиқардим. Булардан деярли тўртдан бир қисми шеъриятга қобилиятли бўлиб, шоира ва ўз даврининг ақлли ҳамда доно одамлари эдилар”.

Хусусан, Анбар Отин унинг иқтидорли ўқувчиларидан бўлган. Анбар Отин XIX асрнинг иккинчи ярми -XX бошларида Қўқонда яшаб, ижод этган демократик шоирадир. У замондош устоз адиблар изидан бориб, ўз ижодида халқ аҳволини, дугоналарининг ҳис ва туйғуларини ифодалаган. “Ичкари” тутқуни бўлган, устига қаттиқ жисмоний азобларга дучор бўлиб, кўп йиллар бир жойда ётган бу матонатли аёл ҳаёт билан алоқа излаган, давр ҳаёти билан ҳамнафас бўлишга интиланган. Нафис шерияти орқали жамият ҳаёти воқеаларига ўзининг илғор қарашларини ифодалаган. Анбарой ўткир ақли, қобилияти билан маҳалла аёллари орасида ҳурмат қозонган. Шоира ғазаллари маҳалла аёлларига жуда мақбул эди. Чунки уларда шу муштипар аёлларнинг аянчли тақдири, орзу-истаклари, бахтсиз севгилари куйланар эди. Бу ғазаллар уларнинг ичидаги яширин туйғуларнинг ифодаси эди. Лекин бой хотинларни писанд қилмаган, уларнинг юриш-туришларини ҳажв қилиб, шеърлар ёзган. Улар шоирадан ўч олиш пайига тушадилар. Уни атайин Омил мингбошининг уйида зиёфатга чақиртириб келтириб, калтаклайдилар, баланд зинадан итариб юборадилар. Шоиранинг икки оёғи синиб, кейинчалик шол бўлиб қолади. Анбар Отин олти йилдан ортиқроқ қаттиқ жисмоний азоб чекиб ётади, аммо тушкунликка тушмайди, жисмоний азоб унинг руҳини, ҳаётга бўлган муҳаббатини сўндира олмайди.

Шоиранинг лирик қаҳрамони соғлом заковатли, оташин қалб эгаси, замондан зулм кўрган, таҳқирланган, аммо мағрур ўзбек аёлидир. Бу ўзбек аёлининг илм-маърифат олиш у ёқда турсин, ёруғ дунёни кўришга ҳам ҳаққи йўқ эди. Бу аёллар тақдиридан беҳад таъсирланган шоира ўзбек аёлларини ғафлат уйқусидан уйғонишга, ўз ҳақ-хуқуқи учун курашга даъват қилади:

Мандек ётма, уйғонгил, эй занони Фарғона,
Эрлардек бел боғла эмди бўлиб мардона.

Шоира жамиятдаги ижтимоий тенгсизликни ўз кўзи билан кўради, унинг мавжуд ижтимоий ҳаёт ва келажак ҳаёт ҳақидаги мулоҳазалари, орзу-умидлари кенгроқ равишда унинг “Қаролар фалсафаси” асарида ўз ифодасини топган. “Қаролар фалсафаси” тўртта фаслдан иборат бўлиб, унинг иккинчи фаслини оналар ҳаёти ва тақдирига бағишлайди. Ҳаёт ва жамиятнинг асоси бўлган инсонни она вояга етказиб беради. Шоира ҳам оналарнинг бу юксак олижаноб хизматини қуйидагича таърифлайди: «Бу фарқ эгасини ман инсон онаси ҳар нечук донишманд энагаси деб билурман, ул она шундоқ онадур, моҳири донодурки, Афлотун ва Арастуни, Абу Али ибн Сино ва Улуғбекни, Жомий ва Саъдийни, Навоийни, Фирдавсийни, Бедил ва Ҳайёмни, Нодира ва Увайсийни... мени ва сени ўз қорнида ўн ой кўтариб, турли офатлардан сақлаб, еган

ғизосидан расамат бериб, ... туғиб, оламни кўриш қобилиятига давру моҳир қилибдур “ («Қаролар фалсафаси”, 8-бет). Шундоғ улуғ зот бўлган оналарнинг ўз замонасидаги аҳволига тўхтаб, «Уларға бўлғон эътибор чумолига бўлғон эътибордан ҳам камроқдур”, - деб ёзади.

Шоира аёлларга бўлган бу зулм, таҳқир абадий бўлмаслигига кўзи етади. Ишонч билан уларнинг келажакдаги ҳаётлари ҳақида шундай ёзади: «Ул замонларда аёллар илм таҳсилига муяссар бўладилар. Эл ва давлат ишларида қатнашиб, эркаклар билан бир қаторда обрў ва ҳурматга сазовор бўладилар”.

REFERENCES:

1. Anbar Otin. A pamphlet of poems. Literary and art publishing house named after Gafur Ghulam. Tashkent - 1970
2. Mengdobilova, M. Q. (2024). METHODS OF TEACHING SCIENCE "EDUCATION" IN THE CONDITIONS OF MULTIFACETED DEVELOPMENT OF THE COUNTRY. European Science Methodological Journal, 2(6), 103-107.
3. Mengdobilova, M. Q. (2024). PROBLEMS OF TEACHING THE SCIENCE OF HISTORY. PEDAGOG, 7(3), 615-618.
4. Mengdobilova, M. Q. (2022). TEACHING THE SCIENCE OF "EDUCATION" IN THE CONDITIONS OF GLOBALIZATION AS A NEED AND A NECESSITY. Theoretical & Applied Science, (7), 131-134.
5. Ziyoz.uz